

" K E L I S H I L D I "

"Isxoqxon Ibrat" nomidagi
Namangan davlat chet tillari
instituti rektori v.v.b



P. Lutfullayev

" 4 " mart 2022

**"Isxoqxon Ibrat" nomidagi Namangan davlat chet tillari institutining o`quv binosini
joriy ta'mirlash va isitish tizimini yangilash**

Ishchi loyihasini ishlab chiqarish uchun

LOYIHA TOPSHIRIG'I

Namangan – 2022 yil

T/r	Asosiy ma'lumotlar va talablar nomi	Asosiy ma'lumotlar va talablarning mazmuni
1	Ob'ekt nomi.	"Isxoqxon Ibrat" nomidagi Namangan davlat chet tillari institutining o'quv binosini joriy ta'mirlash va isitish tizimini yangilash.
2	Ob'ekt manzili	Namangan viloyati To'raqo'rg'on tumani "Yangiobod" MFY, Saodat ko'chasi 28-uy.
3	Loyihalashtirish uchun asos.	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 9-iyundagi PQ-275 – sonli qarori.
4	Buyurtmachi	Isxoqxon Ibrat nomidagi Namangan davlat chet tillari institutini
5	Qurilish turi.	Joriy ta'mirlash
6	Moliyalashtirish manbai.	Mahalliy byudjet mablag'lari.
7	Loyihalashtirish bosqichi	1 bosqichli loyihalashtirish
8	Bosh loyihachi	Tanlov asosida
9	Bosh pudratchi qurilish tashkiloti	Tanlov savdolari natijalariga asosan
10	Ob'ektning asosiy ko'rsatkichlari va binoning funktsional maqsadiga qo'yiladigan talablar.	<p>"Isxoqxon Ibrat" nomidagi Namangan davlat chet tillari institutining o'quv binosini joriy ta'mirlash va isitish tizimini yangilash.</p> <p>Institutda quyidagi binolar ta'mirlanadi:</p> <p>1) O'quv binosi 4 qavatli bo'lib yerto'lasini ham bor, antiseysmik chok bilan ajratilgan, o'qlardagi o'lchami 15,0x27,0m va 16,4x28,2m bo'lgan 2 ta blokdan iborat. O'quv binosida quyidagi xonalar ta'mirlanadi:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 4-qavat o'quv xonalari; - isitish tarmoqlarini to'liq yangilash. - elektr yoritish va kuchli tok qurilmalarini ta'mirlash.
11	Loyiha yechimlariga qo'yiladigan asosiy talablar	Asosiy ma'lumotlar va talablarning mazmuni
11.1	Arxitektura-qurilish, rejalashtirish va konstruktiv yechimlar, binoni pardoqlashga qo'yiladigan talablar	<p>Ichki pardoqlash:</p> <p>1) O'quv binosida:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Shift – расчётка va перетирка qilib, keyin sifatli suvli emulsiya bo'yoq bilan bo'yalsin; - Devorlar – расчётка va перетирка qilib, keyin sifatli suvli emulsiya bo'yoq bilan bo'yalsin; - xojatxonalarda h=1.5m balandlikda keramik plitkalar qoplansin; - Pollar – barcha o'quv va ma'muriyat xonalarida relin pol solinsin; - xojatxonalarda polga keramik plitkalar berilsin; - holati yaxshi mavjud pollar qoldirilsin.
12	Muhandislik va texnologik jihozlar, muhandislik tarmoqlari bilan ta'minlashni loyihalashga qo'yiladigan asosiy talablar.	<p>- Ta'minot tarmoqlari uchun loyihaviy yechimlar mahalliy ishlab chiqaruvchilarning zamonaviy ilg'or texnologiyalari va uskunalardan foydalanishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak.</p> <p>Loyihada quyidagilar ko'zda tutilishi kerak:</p> <p>Isitish va shamollatish:</p> <p>Radiatorlar – yangi zamonaviy bimetall radiatorlar o'rnatish.</p>

		Ochilish oynalari bo'lgan tabiiy shamollatish (mavjud). Loyihalashda KMK 2.01.18-2000 * ga energiya iste'mol qilishning yangi standartlarini hisobga olgan holda KMK 2.04.05-97 va binolarni loyihalash qo'llanmasining talablariga rioya qilinsin.
13	Obodonlashtirish.	Binolardan xoli bo'lgan va obodonlashtirish uchun mo'ljallangan maydonini obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish amalga oshirilgan. Tashqi kanalizatsiya tizimi mavjud.
14	Harakati cheklangan shaxslar uchun yashash sharoitlarini ta'minlash bo'yicha talablar	Nogironlar yo'lagi (pandus) mavjud.
15	Vazirliklar va idoralar bilan muvofiqlashtirish zarurligi to'g'risida ko'rsatma	Loyiha hujjatlarini belgilangan tartibda barcha manfaatdor tashkilotlar bilan kelishish.
16	Loyihalash ishlarini bajarishga qo'yiladigan talablar	- loyiha hujjatlari bo'limlari, tarkibi va ularning mazmuni amaldagi me'yoriy-huquqiy bazaga muvofiq bo'lishi kerak; - smeta hujjatlarini tasdiqlangan standartlarga muvofiq rejalashtirilgan qurilish muddatiga to'g'ri keladigan narxlar bo'yicha amaldagi narxlash tartibiga muvofiq ishlab chiqish; Loyihachi tashkilot ekspertiza davomida dizayn echimlarini himoya qilishni ta'minlaydi. Loyiha smeta xujjatlari SHNK 1.03.01-2016 "Korxonalar, binolar va inshootlarni kapital qurish uchun loyiha-smeta hujjatlarini tarkibi, ishlab chiqish, muvofiqlashtirish va tasdiqlash" ga muvofiq buyurtmachiga uch nusxada va elektron shaklda beriladi.

Tayyorladi:

Isxoqxon Ibrat nomidagi Namangan
davlat chet tillari instituti bosh muhandisi


B. Sobirov



XALQ DEPUTATLARI TO‘RAQO‘RG‘ON TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 22 - oktabr

VI-37-72-6-85-K/22

To‘raqo‘rg‘on tumani hokimligi

Халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгашининг 2022 йил 5 октябрдаги VI-37-61-6-85-K/22-сонли қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 22 апрелдаги ҚҚ-213-IV-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги ҚҚ-302-IV-сонли, 2022 йил 30 июндаги ҚҚ-377-IV-сонли ҳамда 2022 йил 20 сентябрдаги ҚҚ-406-IV-сонли қарорларишга асосан, ўзгартириш киритилган*) қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини тизимли равишда таъминлаб бориш зарурлиги ва юқоридаги қарорлардан келиб чиққан ҳолда, Халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгашининг 2022 йил 5 октябрда VI-37-61-6-85-K/22-сонли қарори қабул қилинди ва мазкур Кенгаш қарорида туман бўйича ғолиб деб топилган таклифлар, туман Ишчи гуруҳи таркиби ҳамда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга ажратилган маблағларни йўналтириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланган.

Жумладан, жорий йилнинг 11 октябрида Давлат раҳбари раислигида ўттакилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларига асосан, Республика бўйлаб ўтказилган овоз йиғиш жараёнларида ғолиб бўла олмаган лекин, 2000 тадан кўп овоз тўплаган яна 3 та лойиҳа таклифлари қўшимча равишда “ғолиб” деб топилиб, Республика бюджети хисобидан 1 360.0 (бир миллиард, уч юз олтимиш миллион) сўм маблағлар ажратилди. Шунга асосан, туманда қўшимча равишда “ғолиб” деб топилган лойиҳалар қуйидагилар:

- тумандаги “Шохидон” маҳалла фуқаролар йиғинига ичимлик суви тармоғи тортиш (таклиф ID рақами: 920600002) харажатлари учун 260,0 миллион сўм;

- тумандаги Исҳоқхон тўра Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институтининг ўқув биносини жорий таъмирлаш ва иситиш тизимини янгилаш (таклиф ID рақами: 920600108) харажатлари учун 1 миллиард сўм;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29

ноябрдаги “Ёшларни “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқитиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 716-сонли қарори ижросини туманда таъминлаш мақсадида, тумандаги 16-умумий ўрта таълим мактабига замонавий компьютерлар жамланмаси сотиб олиш (таклиф ID рақами: 920600112) харажатлари учун 100,0 миллион сўм маблағларни йўналтириш, 1-иловага асосан тасдиқлансин.

Ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда амалга оширишни тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 22 сентябрдаги ҚҚ-406-IV-сонли “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида” қарор қабул қилинган бўлиб, унга кўра “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни сифатли ва ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида амалдаги Низом бандларига бир қатор кўшимчалар қиритилди.

Жумладан, товар моддий бойликлар (хизматлар)ни харид қилиш, объектларни таъмирлаш ва қуриш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш бўйича тартиб-таомил турлари ва муддатларини назарда тутувчи бир қатор бандлар билан тўлдирилди.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги “Туман ва шаҳарларда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида ғолибларни аниқлаш юзасидан” чоп этилган қўлланмаси талаблари асосида, жамғармада шаклланган маблағлар доирасида энг кўп овоз тўплаган таклифлар рўйхатининг дастлабки ўнтаси “Ғолиб” деб топилган. Мазкур таклифларни тасдиқлаш ва амалга ошириш мақсадида, халқ депутатлари туман кенгашининг 2022 йил 5 октябрдаги қабул қилинган VI-37-61-6-85-К/22-сонли қарорига асосан, жами 6 740. 0 (олти миллиард, етти юз қирқ миллион) сўм маблағлар лойиҳалар бўйича тўлиқ молиялаштирилиши натижасида, 197.0 миллион сўм маблағ иқтисод қилинган бўлиб, тумандаги “Фуқаролар ташаббусли жамғармаси”да қолдирилган. Туман Ишчи гуруҳининг хулосасига асосан, мазкур иқтисод қилинган маблағни тумандаги 24-умумий ўрта таълим мактабига усти ёпиқ мини-стадион ҳамда битта мослаштирилган волейбол ва баскетбол майдони қўриш (таклиф ID рақами: 920600005) харажатлари учун йўналтирилиши бўйича таклиф маъқулланди.

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Туман бюджетидан тумандаги жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда бу мақсадда тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг асосли ва ҳаққонийлигига Ишчи гуруҳ аъзолари шахсан жавобгарлиги белгиланган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2022 йил 11 октябрь куни “Маҳаллаларни обод қилиш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасини янада кенгайтириш ва оммалаштириш юзасидан берган кўрсатмаси ижросини таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари Тўрақўрғон тумани Кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги ҚҚ-213-IV-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги ҚҚ-302-IV-сонли ҳамда 2022 йил 30 июндаги ҚҚ-377-IV-сонли ҳамда 2022 йил 20 сентябрдаги ҚҚ-406-IV-сонли қарорларига асосан ўзгартириш киритилган*) қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2022 йил 11 октябрь куни “Маҳаллаларни обод қилиш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасини янада кенгайтириш ва оммалаштириш юзасидан берган кўрсатмасига асосан, қўшича равишда “Ғолиб” деб топилган 3 та лойиҳаларга Республика бюджети ҳисобидан 1360.0 млн. сўм маблағлар йўналтирилганлиги иловага асосан, тасдиқлансин ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Туманда “Ғолиб” деб топилган лойиҳа таклифларини молиялаштириш натижасида иқтисод қилиб, тумандаги “Фуқаролар ташаббусли жамғармаси”да қолдирилган 197 миллион сўм маблағларни Ишчи гуруҳ хулосасига асосан, тумандаги 24-умумий ўрта таълим мактабига усти ёпиқ мини-стадион ҳамда битта мослаштирилган воллейбол ва баскетбол майдони қўриш (таклиф ID рақами: 920600005) харажатлари учун йўналтириш бўйича таклифи маъқуллансин ва мазкур маблағ тегишли тартибларга асосан йўналтириш натижасида Халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгашининг 2022 йил 5 октябрдаги VI-37-61-6-85-К/22-сонли қарорига ушбу қўшимчалар киритилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки,

- Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

- Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган туман бюджети маблағлари туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна

ҳисобварағида жамланган маблағларни бошқа мақсадларга сарфланиши тақиқлансин.

5. Тасдиқланган манзилли рўйхат асосида:

- Туман ҳокимлигининг Молия бўлими (У.Ахмедходжаев) Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (М.Ибрагимов)га

- тадбирларни молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида, буюртмачи ташкилотларига тегишли маблағ манбаси бўйича “4017...” кўринишидаги “Фуқаролар ташабуси жамғармаси” негизида махсус ҳисоб рақамлар очиш;

- жамғарма маблағлари ҳисобидан тегишли буюртмачи ташкилотларга маблағлар йўналтирилишини таъминлаш;

- Бюртмачи ташкилотлар ажратилган маблағларни лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда мақсадли ишлатилиши ва амалга оширилган ишлар бўйича Халқ депутатлари туман Кенгашига ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ишчи гуруҳга мунтазам ахборот киритиб борилишини таъминласин.

6. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати (З.Кенжаева)га:

- жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ва “Ғолиб” деб топилган тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга оширилиши лозим ишлар бўйича маълумотларни “Очиқ бюджет” порталига жойлаштирилиши ва кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

7. Туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари (А.Тўраев) ва тегишли соҳа раҳбарлари, буюртмачи ташкилотлар билан биргаликда, белгиланган тартибда қурилиш ва таъмирлашга оид тендер танловларини тезкорликда одилонга ўтказилилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор ижросини таъминлаш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қобулов, қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси зиммаларига юклатилсин.

Халқ депутатлари туман
Кенгаши раиси



А.Мансуров

Xalq deputatlari To'raqo'rg'on
tuman Kengashining
2022 yil 22 oktabrdagi
VI-37-72-6-85-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2022 йил 11 октябрь куни
“Маҳаллаларни обод қилиш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган
ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида
“Ташаббусли бюджет” лойиҳасини янада кенгайтириш ва оммалаштириш юзасидан берган
кўрсатмасига асосан, Тўрақўрғон туманида қўшимча равишда “ғолиб” деб топилган ташаббуслар
юзасидан
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

№	Ғолиб таклиф маълумотлари			Амалга оширишнинг аниқланган қиймати (минг сўмда)	Ҳақиқатда ажратилган (минг сўмда)	Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри)	Бюджетмачи ташкilot
	Таклиф ID рақами	Қисқача мазмуни	Тўплаган овозлари сони				
Республика бюджети ҳисобидан ажратилган маблағ					1 360 000,0		
1	920600002	Тўрақўрғон тумани “Шоҳидон” МФЙда ичимлик суви тармоғи тортиш	2256	260 000,0	260 000,0	“Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси	Туман ҳокимлиги
2	920600108	Тумандаги Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институтининг ўқув биносини жорий таъмирлаш ва иситиш тизимини янгилаш.	2205	1 000 000,0	1000 000,0		Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институти
3	920600112	ВМ-716-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида 16-сонли мактабга замонавий компютерлар сотиб олиш	2132	100 000,0	100 000,0		Туман Халқ таълими бўлими